

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВА НАРГИЗА САБУРОВНА

ЕНГИЛ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА НЕЙРОПСИХОЛОГИК
БУЗИЛИШЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА ДИНАМИКАСИ

14.00.13 –Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро- 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мирзаева Наргиза Сабуровна

Енгил бош мия жароҳатларидан кейинги
даврда клиник-неврологик ва нейропсихологик
бузилишларнинг тавсифи ва динамикаси.....3

Мирзаева Наргиза Сабуровна

Характеристика и динамика клинико-
неврологических и нейропсихологических
нарушений в периоде после легкой черепно
мозговой травмы.....26

Mirzaeva Nargiza Saburovna

Characteristics and dynamics of clinical-neurological
and neuropsychological disorders in the period
after mild traumatic brain injury.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works54

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВА НАРГИЗА САБУРОВНА

**ЕНГИЛ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА НЕЙРОПСИХОЛОГИК
БУЗИЛИШЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА ДИНАМИКАСИ**

14.00.13 –Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро- 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib646 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.tirme.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Матмуродов Рустамбек Жуманазарович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Антанас Ваиткус**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Литва Республикаси)

Саноева Матлюба Жаҳонкуловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

С.С.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош мия жароҳатлари (БМЖ) ҳозирги замон тиббиётининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "...нейрожароҳатлар йилига 2% ўсиш қобилиятига эга ва муаммонинг тиббий-ижтимоий аҳамияти кўплаб ёшлар ўртасида жабрланувчиларнинг кўплиги билан боғлиқдир..."¹. Чунки жароҳатлар ичида учраши ва ўлимга олиб келиши бўйича биринчи ўринда туради. Бош мия жароҳатлари ер юзидаги барча мамлакатларда кўп учрайди. Дунё бўйича БМЖ билан касалланиш 100000 аҳолига 2-3 дан 6-8 гача ҳолатни ташкил этади. Ҳозирги кунда энгил бош мия жароҳатларидан кейинги даврдаги клиник-неврологик ва нейрпсихологик бузилишларни нейрофизиологик ва невровизуалогик текширув натижалари билан қиёсий баҳолаш, касалликни эрта реабилитация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда бош мия жароҳатлардаги клиник-неврологик ва нейрпсихологик ўзгаришларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, эрта ташхис қўйиш йўллари ва даволашнинг самарали усулларини йўлга қўйиш учун фундаментал асосларни яратиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда ўтказилган кўп тармоқли изланишлар шуни кўрсатдики, бош мия жароҳатларидан кейинги бузилишлар динамикада турлича намоён бўлади ва ҳар бир даврда ўзига хос бўлган клиник симптомакомплекс билан намоён бўлади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, энгил бош мия жароҳатларини ўтказган беморларда клиник-неврологик, нейрпсихологик бузилишлар, нейрофизиологик ва невровизуалогик ўзгаришларни солиштирма таҳлили, беморлар эрта ташхислаш ва уларни эрта реабилитация қилиш чора-тадбирлари, ногиронлик ҳолатларини эрта аниқлаш учун махсус бўлган мезонларни қиритиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида энгил бош мия жароҳатларини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва даволаш самарадорлигини

¹ World Health Organization. Daily iron supplementation in infants and children. //World Health Organ.-2019.-P.1-4.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисидаги»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда бош мия жароҳатидан кейинги даврда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар даражаси жароҳатнинг оғирлик даражаси бўйича ўрганилган. Ҳозирги кунда енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик бузилишларни динамикада баҳолаш, нейрофизиологик ва невровизуалогик текширувлар натижалари билан солиштирма корреляцион анализ қилиш алоҳида чуқур аҳамият касб этади. Бош мия жароҳатидан кейинги патологик нейропластиклик ҳолати янги ўчоқли неврологик, астеник, цефалгик, хавотирли-депрессив, апатик синдромлар ва хулқ-атвор бузилишлари, руҳий ва эмоционал бузилишларга олиб келади (Гиригорова И.А., 2016). БМЖдан кейинги давр фақатгина ҳаракат ва сезги, координация бузилишларнинг тикланишига эмас, балки когнитив бузилишлар каби руҳий-психологик бузилишларга ҳам боғлиқдир (Middleton J. A. 2000).

Бош мия жароҳатларидан кейинги даврда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар асосан оғир бош мия жароҳатларида жуда кўп ўрганилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: когнитив бузилишларнинг даражаси бош мия жароҳатининг турига ва локализацияга боғлиқдир; бош мия жароҳатидан кейинги тутқаноқ хуружлари жароҳатнинг ўткирлигига ва динамикасига бўғлиқдир; постравматик эпилепсия генетик жиҳатлари ўрганилди (Захаров В.АВ., Дроздова Е.А., Agrawal А), бош мия жароҳатидан кейинги даврда операциягача ва операциядан кейинги даврда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар баҳоланди (Лихтерман Л.Б., Потапов А.А., Нейрохирургия илмий маркази (Россия Федерацияси).

Республикамизда травмадан кейинги муаммоларга бағишланган тадқиқотлар Гафуров Б.Г., Рахимбаева Г.С. ва Муратов Ф.Х. лар томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий изланиш натижалари травмадан кейинги тутқаноқ хуружлари ва когнитив бузилишларнинг клиник кечиш

хусусиятларига бағишлангандир. БМЖ дан кейинги даврда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар тўғрисида қанчалик илмий изланишлар олиб борилишига қарамасдан, ЕБМЖ ўтказган беморларда динамикада беморларда турли хил даражадаги неврологик ва нейропсихологик бузилишларнинг пайдо бўлиши, беморлар ҳаёт сифатининг динамикада баҳоланиши, клиник-неврологик ва психологик бузилишларнинг динамикада нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширувлар билан солиштирма таҳлил қилиб борилиши тўғрисида маълумотлар жуда камдир.

Бош мия жароҳатларидан кейинги ҳар бир даврда клиник-неврологик, когнитив, шахсий-эмоционал бузилишлар, нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширув натижалари билан корреляцион анализ ўтказиш тўғрисида тўлиқ маълумотлар йўқ. ЕБМЖдан кейинги қайси даврда нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширувларни ўтказиш тўғрисида аниқ фикрлар йўқ. ЕБМЖдан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифати ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисида маълумотлар жуда ҳам камдир. Бу эса ЕБМЖ ўтказган беморларни динамикасини чуқур ўрганиш, клиник-неврологик, нейропсихологик бузилишлар, шунингдек нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширувлар ўртасида корреляцион анализ ўтказишни тақазо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ №01.110.0158 «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масаллари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади энгил бош мия жароҳатлари ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни динамикада солиштирма баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

енгил бош жароҳатлари ўтказган беморларда клиник-неврологик бузилишларни жароҳатларнинг клиник кўринишлари бўйича динамикада таҳлил қилиш;

енгил бош мия жароҳатлари ўтказган беморларда когнитив ва шахсий-эмоционал бузилишларни жароҳат клиник кўринишлари бўйича динамикасини баҳолаш;

енгил бош мия жароҳатлари ўтказган беморларда динамикада клиник-неврологик, нейропсихологик бузилишларни нейрофизиологик ва нейровизуалогик текшириш натижалари билан корреляцион таҳлилини ўтказиш;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларнинг ҳаёт сифат ва унга таъсир қиладиган хавф омилларни чуқур ўрганиш, шунингдек бартараф этиш йўлларини такомиллаштириш;

олинган клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик текшириш натижалари асосида энгил бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикада кузатиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали бўлимларида даволанган 173 нафар ва назорат гуруҳдаги 30 нафар, жами 203 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида енгил бош мия жароҳати ўтказган ва бош мия жароҳати ўтказмаган назорат гуруҳдаги беморлар тўғрисидаги асосий маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва қўйилган мақсадга эришиш учун клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик, невровизуалогик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик бузилишларнинг динамикаси жароҳатнинг клиник кўринишларига боғлиқ ҳолда исботланган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда когнитив ва шахсий-эмоционал бузилишларни динамикада касаллик даврларига боғлиқ эканлиги исботланган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар билан нейрофизиологик ва невровизуалогик текширувлар натижалари ўртасида корреляцион боғлиқлик исботланган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омиллар тизимли равишда асосланган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикада кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик бузилишларни касаллик даврлари бўйича динамикада эрта аниқлаш учун махсус мезонлар ишлаб чиқилган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда когнитив, шахсий-эмоционал бузилишларни динамикаси ўрганилган ва уларни нейрофизиологик, невровизуалогик текширув усуллари билан корреляцияси амалга оширилган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ва бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикада кузатиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-неврологик, нейропсихологик, невровизуалогик усулларга асосланган ва мўлжалланган вазифалар ечими аниқ тиббий статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда

маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни касаллик давлари бўйича динамикада тўғри таҳлил қилиб бориш, клиник кўринишлари ва даражалари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш, хусусан когнитив, шахсий-эмоционал бузилишларни касаллик клиник давлари бўйича динамикада баҳолаб бориш ва чуқур ўрганиш, қиёсий ташхис ўтказиш, бу патология тўғрисида олдиндан шубҳа қилиш, шунингдек даволаш муолажаларини ўз вақтида ўтказиш касалликнинг ривожланишини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларни динамикада касаллик давлари бўйича текширувларни ўз вақтида мақсадли ўтказиш, ва бу текширувларни тадбиқ этиш, ишлаб чиқилган махсус мезонлар механизми ёрдамида энгил бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикада тўғри олиб боришни оптималлаштириш, ҳамда энгил бош мия жароҳати ўтказган беморларни ҳар бир клиник даврда мақсадга йўналтирилган текширувларни амалга ошириш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Энгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик, невровизуалогик текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган:

бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикаси ва нейропсихологик бузилишларни эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Бош мия жароҳати ўтказган беморларни динамикаси ва нейропсихологик бузилишларни эрта ташхислаш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги №8н-р/230-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бош мия жароҳати ўтказган беморларни нейропсихологик бузилишларни эрта ташхислаш имконини берган;

енгил бош мия жароҳатидан кейинги неврологик асоратлар динамикаси ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Энгил бош мия жароҳатидан кейинги неврологик асоратлар динамикаси ва олдини олиш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 апрелдаги №8н-р/291-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бош мия жароҳатидан кейинги неврологик асоратлар олдини олиш имконини берган;

енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва невровизуалогик текширувларни корреляцион таҳлили бўйича олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти Урганч ва Хонка туманларининг тиббиёт бирлашмалари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигини 2020 йил 22 сентябрдаги 8н-д/134-сон хулосаси). Олинган

натижаларни амалиётга татбиқ этиш бош мия жароҳати ўтказган беморларда кейинги даврида неврологик дифференциал равишда ўтказиладиган чоратадбирлар оптимал схемасини ишлаб чиқиш, бош мия жароҳати асоратларни камайиши ва шифохонада даволаниш муддатларини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Енгил бош мия жароҳатларидан кейинги клиник-неврологик ва нейрпсихологик бузилишларнинг келиб чиқиш механизми, эрта ташхислаш, даволаш ва эрта реабилитация қилишнинг замонавий талқини”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ЕБМЖ ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейрпсихологик бузилишларнинг патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тегишли беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Ушбу тадқиқотга Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилингч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали бўлимларида 2017-2019 йиллар давомида мурожаат этиб, бош миянинг турли кўринишдаги жароҳатлари билан даволанган 173 нафар беморлар киритилди. Назорат гуруҳи ёшга мос бўлган 30 нафар амалий жиҳатдан соғлом бўлган беморлардан иборат бўлди. Умумий 203 нафар бемор текширувдан ўтказилди. Асосий гуруҳдаги беморлар ёши 18 ёшдан 60 ёшгача бўлиб, ўртача $37,9 \pm 6,2$ ни ташкил этди. Айнан меҳнатга лаёқатли бўлган ёшдаги беморлар рўйхатга олинди.

Асосий гуруҳдаги текширилган беморларнинг 134 нафари (77,4%) эркак ва 39 нафари (22,6%) аёлларни ташкил қилди. Назорат гуруҳи ҳам шунга мос равишда 23 нафар эркак (76,6%) ва 7 нафар (23,4%) аёллардан иборат бўлди. Бош мия жароҳатларини, жумладан автохалокатга учраган беморлар асосан эркаклар эканлигини инобатга олиб юқорида қайд этилган ҳолат юзга келди.

Асосий гуруҳдаги беморлар БМЖ турлари бўйича гуруҳларга ажратилди. Бош мия чайқалиши ўтказган беморлар 82 нафарни (47,4%), бош мия лат ейишини ўтказган беморлар 28 нафар (16,2%), турли даражадаги энцефалопатиялар 54 нафар (31,2%) ва БМЖ фақатгина калла ичи босими ошиши билан кузатилган беморлар 9 нафарни (5,2%) ташкил этди. Ҳар бир гуруҳдаги беморлар жинси бўйича ажратилди. БМЧ ўтказган беморларнинг 59 нафари (71,9%) эркаклар ва 23 нафари (28,1%) аёллар; БМЛЕ ўтказган беморларнинг 25 нафари (89,3%) ва 3 нафари (10,7%); травмадан кейинги энцефалопатиялар 45 нафари (83,3%) эркаклар ва 9 нафари (6,7%) аёллар; БМЖ гипертензион синдром билан 5 нафари (55,5%) ва 4 нафарини (45,5%) аёллар ташкил қилди. Барча гуруҳларда эркаклар кўпроқ жароҳат олган ва бу умумий гуруҳдаги беморлар нисбатига тўғри келади. Умумий гуруҳдаги беморларда эркаклар ва аёлларда учраши 3,4:1 нисбатни ташкил этади, шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки БМЛЕ ўтказган беморлар кўпроқ эркакларда кузатилган ва бу оғир турдаги автохалокат жароҳати билан тушинтирилади. Енгил турдаги бош мия жароҳатлари эркакларда ва аёлларда ҳам деярли бир хилда учраб, асосан фақатгина калла ичи босимини ошиши билан кузатилиши маълум бўлди ва бу 1,25:1 нисбатида намоён бўлди.

Клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва невровизуалогик текширувлар ўтказилди. ЕБМЖ олган беморларда когнитив бузилишлар ва шахсий-эмоционал бузилишлар таҳлил қилинди. Клиник амалиётда ва илмий тадқиқотларда когнитив бузилишларни ташхислаш учун нейропсихологик текшириш усуллари қўлланилади. Охири пайтда кенг қўлланилаётган ва тез ишонарли натижа берадиган нейропсихологик усуллардан бири бу когнитив функцияни баҳолашнинг Монреал шкаласи (MoCA) ҳисобланади, шу билан бир қаторда когнитив бузилишлар даражасини тўлиқ ёритиш мақсадида қўшимча руҳий ҳолатни баҳолашнинг қисқа шкаласи (MMSE) қўлланилди. Шахсий-эмоционал сферага баҳо бериш учун суҳбат ўтказиш тестлари Спилберг-Ханин (1976)

ва Цунг (1981) сўровномалари қўлланилди. Спилберг-Ханин тести орқали хавотирлик даражалари аниқланди

Шунингдек аффектив бузилишлардан депрессияга баҳо бериш учун Гамильтон (англ. Hamilton Rating Scale for Depression, HRDS) ва Бек (Beck Depression Inventory) шкалалари қўлланилди.

Беморларни яшаш сифатини баҳолаш учун 5 та саволдан иборат бўлган Европа сўровномаси (EuroQol-5D) қўлланилди. Яшаш сифатининг қуйидаги тамойиллари баҳоланди: ҳаракатчанлик, ўз-ўзига хизмат қилиш, кундалик ҳаётдаги фаоллик, оғрик/дискомфорт ва хавотирлик/депрессия. Ҳар бир қисм алоҳида 3 та даражага ажратилди, муаммонинг йуқлиги, маълум бир аниқланган муаммо ва юқори аҳамиятга эга бўлган муаммо.

Енгил бош мия жароҳатлари асоратлар давридаги неврологик ва нейропсихологик бузилишларни эрта аниқлашда нейрофизиологик ва невровизуалогик текширувлар жуда катта аҳамият касб этади. Буларга ЭхоЭГ ва ЭЭГ, МРТ, КТ ва МСКТ киради.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қийслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F -Фишер мезони) ни ҳисоблаган ҳолда Стъюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти (r) ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар динамикаси”** деб номланган учинчи бобида ЕБМЖ ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни динамикада баҳоланиши натижасида олинган натижалар кўрсатиб берилди.

БМЖ ўтказган беморларда клиник-неврологик бузилишларнинг динамикасига баҳо бериш учун вегетатив дистония синдроми, умумий психопатологик бузилишлар, вестибуляр синдром, ликвородинамик бузилишлар ва церебрал-ўчоқли синдромларга алоҳияда аҳамият қаратилади. ЕБМЖ ўтказган беморларда эса биз цереброастеник синдром, вегетатив дисфункция синдроми, вестибуляр синдром ва ўчоқли синдромларга баҳо бериб чиқдик. Цереброастеник синдромга баҳо бериш учун ҳолсизлик, тез чарчаш, қувватсизликнинг кучайиши анализ қилинди. Вегетатив дисфункция синдроми учун қон босимнинг нотурғунлиги, тахи- ёки брадикардия, гипергидроз, тери рангининг ўзгариши, ЭКГ ўзгаришсиз юрак соҳасидаги оғрик, дистал гипотермия, акроцианоз текширилди. Вестибуляр синдромга кўнгил айтиш, қусиш ва Ромберг ҳолатидаги атаксия орқали баҳо берилди.

Ўчоқли синдромга баҳо бериш учун нормал рефлекслар ҳолати, патологик рефлекслар, мускулларнинг тонуси текширилди.

ЕБМЖ олган беморларда жароҳат олган пайтда асосан умумий мия симптомлари бош оғриши, бош айланиши кўнгил айнаш, қусиш, апатия, ҳолизлик ва юришга қийналишлар барча беморларда кузатилсада, намоён бўлиш даражаси жароҳатнинг турига узвий боғлиқдир. Умумий симптомлари асосан бош мия чайқалиши ўтказган беморларда яққол устунлик қилди (БМЧ-87,5%, ЕБМЖЕ-76,4%, ТЭ-69,6%).

Цереброастеник синдром асосан ҳолсизлик, қувватсизлик, тез чарчаш ҳолатлари кўринишида намоён бўлиб касалликнинг ўткир даврига нисбатан эрта тикланиш давларида кўпроқ намоён бўла бошлади, кечки тикланиш давларида эса ушбу симптомлар янада камайишни бошлади, албатта бу даволаниш натижасида бўлиши мумкин, мос равишда 64,7% (112 нафар бемор) 84,9% (147 нафар бемор) ва 78% (135 нафар бемор), ишончилилик $p \leq 0,05$. Тадқиқотнинг кейинги босқичида ЕБМЖ турлари бўйича цереброастеник симптомларни учрашини анализ қилиб чиқдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, бош мия чайқалиши ўтказган беморларга нисбатан бош мия лат ейиши ўтказган беморларда кўпроқ астенизация кўп чарчаш ҳисобидан кузатилган бўлса, травматик энцефалопатия эрта ривожланган беморларда қувватсизлик ва ҳолсизлик ҳолатлари устунлик қилар экан. Ушбу ҳолат фақатгина эрта ва кечки тикланиш даврида изоҳланиши мумкин. БМЧ ўтказган беморларда касалликнинг ўткир даврида беморларда тез чарчаш ҳолатларини баҳолаш жуда қийин бўлади. Жароҳатдан кейинги гиперентизон синдром яққол намоён бўлган беморларда эса (9 нафар) деярли барчасида тез чарчаш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Буни шу билдан изоҳлаш мумкинки, касалликнинг ўткир даврида тўғридан-тўғри бош миянинг жароҳатланиши натижасида оғрик, мия шиши ва нисбатан ликвородинамик ҳолатнинг бузилиши билан боғлиқдир. Ушбу жараён БМЧ ўтказган беморларга қараганда кўпроқ БМЖЕ ўтказган беморларда бузилади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида вегетатив дисфункция синдроми динамикада баҳоланди. Касалликнинг ўткир даврида 138 нафар беморда (79,7%) вегетатив дисфункция ҳолатлари кузатилган бўлса, ушбу ҳолат эрта тикланиш даврида 86 нафар (43,9%) беморда кузатилди, кечки тикланиш даврига келиб 36 нафар (20,8%) беморда кузатилди холос. Демак, ўткир даврдан эрта тикланиш даврига ўтиш пайтида ушбу симптомларнинг камайиши кўпроқ кузатилар экан, камайиш даражаси динамикада 35,8% ва 23,1%. Кечки тикланиш давларида асосан гипергидроз, акроцианоз белгилари кўпроқ кузатила бошлади. Вегетатив дисфункция симптомларини жароҳат тури бўйича анализ қилинди. Ўткир даврда БМЧ ўтказган беморларда (82 нафар) деярли барчасида вегетатив дисфункция ҳолатлари кузатилди, бош мия лат ейиши ўтказган 20 нафар бемор (71,4 %) вегетатив дисфункция асосан қон босимининг нотурғунлиги, тахикардия ёки брадикардия кўринишида намоён бўлди. Эрта тикланиш даврида эса БМЧ ўтказган беморларда вегетатив дисфункция яққол камая бошлади, акроцианоз ва

гипергидроз кўринишидаги симптомлар кечки тикланиш даврига қараб кучая борди.

Кейинги босқичда биз вестибуляр синдромга баҳо берилди. Барча беморлар тўлиқ неврологик текширувдан ўтказилганда 44 та беморда (53%) вестибуляр атаксия ҳолатлари. ЕБМЖ олган беморларда вестибуляр атаксия травматик энцефалопатия ривожланган беморларга қараганда БМЧ ва ЕБМЖЕ ўтказган беморларда кўпроқ кузатилди, 1:4:6 нисбатда. Вестибуляр атаксия касаллик давомийлиги бўйича солиштирилганда ўткир даврда 24 та беморда (54,5%) кузатилган бўлса, эрта тикланиш даврида 20 та беморда (45,4%) ва кечки тикланиш даврида эса 12 та беморда (27,3%) беморда кузатилди холос.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ўчоқли синдромга баҳо бериш учун нормал рефлекслар ҳолати, патологик рефлекслар, мускулларнинг тонуси текширилди. Нормал рефлекслар барча беморларда ошганлиги кузатилган бўлса, касалликнинг ўткир даврида ва эрта тикланиш даврида кўпроқ ошиб, кечки тикланиш даврларида эса нормал ҳолатга камайиши намоён бўлди. Аммо, жароҳатнинг тури бўйича таҳлил қилинганда БМЧ ўтказган беморларда фақат ўткир даврда, травматик энцефалопатия ривожланган беморларда эса барча даврда, ЕБМЖЕ ўтказган беморларда эса эрта тикланиш даврларида кўпроқ ошганлиги, патологик рефлекслар асосан эрта ва кечки тикланиш даврларида, мускуллар тонусининг ошиши эса фақат кечки даврларида кузатилиши намоён бўлди.

Беморларда когнитив функцияларга баҳо бериш учун Когнитив функцияларни текшириш учун руҳий ҳолатни баҳолаш қиса шкаласи (MMSE) ва когнитив функцияни баҳолашнинг Монреал шкаласи (MoCA) 83 та беморда қўлланилди. Беморларнинг кўпчилигида бош оғриши, бош айланиши, қулоқда шовқин, хотира пасайиши, таъсирчанлик, иш қобилиятининг пасайиши, кўз олди қоронғилашуви, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг камайиши, хавотир олиш, таъсирчанлик, уйқу бузилиши каби объектив шикоятлар кузатилди.

Узоқ вақт давомида қон босимининг кўтарилиши, қандли диабет билан оғриган, иккиламчи бош миёда органик касалликлар ўтказган, шунингдек ёндош неврологик касаллиги бўлган беморлар ушбу текширувга киритилмади. ЕБМЖ ўтказган беморларда когнитив бузилишларга тўғри баҳо бериш учун қўшимча нейровизуалогик усуллар, яъни бош миёни МРТ ёки МСКТ, КТ текширувлари қўўлланилди.

Беморларнинг ҳаёт сифатига тўғри баҳо бериш учун кундалик ҳаёт сифати индексини-Бартелл индексини ўрганиб чиқдик. Ушбу индекснинг 10 та пункти бўлиб, максимал 100 баллни ташкил қилади. Буларга овқатланиш, душ қабул қилиш, гигиеник муолажалар, кийиниш, дефекация акти, сийдик чиқариш акти, туалетдан фойдаланиш, каровотдан стулга ёки стулдан кароватга ўтириш, текис юзали жойда олдинга ҳаракатланиш ва зиналардаги ҳаракат. ЕБМЖ ўтказган беморларда Бартелл индекси шуни кўрсатадики кундакли ҳаёт индекси $97,8 \pm 8,6$ бўлиб, асосан зиналардаги ҳаракат ва текис юзали жойда нотўғри ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлди.

Нейропсихологик тестлар орқали ўтказилган натижаларга кўра 73 нафар беморда (84,8%) қайсидир даражада когнитив функцияларнинг бузилиши кузатилди. Фақат 10 нафар беморда (15,2%) когнитив функцияларнинг бузилмаганлиги аниқланди. Ўтказилган нейропсихологик тестлар - MMSE, MoCA натижаларига кўра оғир турдаги когнитив функцияларнинг бузилиши намоён бўлмади. Когнитив бузилишлар кузатилган беморларнинг 61 нафарида (83,5%) деменциягача бўлган когнитив бузилишлар ва қолган 22 нафар (16,5%) беморларда энгил, қисман эса яққол намоён бўлган деменциялар кузатилди. Энгил ва яққол намоён бўлган деменция ҳолатлари асосан жароҳат давомийлиши бўйича олинганда кечки тикланиш даврдаги беморларда шунингдек БМЛЕ ва ТЭли беморларда кузатилди, ($p < 0,05$).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз когнитив бузилишларни динамикада баҳолашни асосий мақсад қилиб олдик. Бунинг учун ўткир даврда, эрта тикланиш даврда ва кечки тикланиш даврда беморлар қайта нейропсихологик текширувлардан ўтказилди.


БМЧ ўтказган беморларда (28 нафар) ўткир даврда чуқур когнитив дефицит кузатилмади. Когнитив бузилишлар даражаси таҳлил қилинганда, асосан энгил даражадаги (89,2%) ва қисман ўрта даражада намоён бўлган когнитив бузилишлар (10,8%) кузатилди. Бироқ беморларни MMSE ва Монреал шкаллари орқали эрта ва кечки тикланиш даврда қайта нейропсихологик тестлар ўтказилганда натижалар шунингдек кўрсатдики, эрта тикланиш даврда асосан ўрта даражада намоён бўлган деменциягача бўлган когнитив бузилишлар (64,2%), шунингдек 14,3% беморларда деменцияга хос бўлган когнитив бузилишлар кузатилган бўлса, қолган 21,4% беморларда энгил даражадаги когнитив бузилишлар кузатилди. БМЧ ўтказган беморларда когнитив бузилишлар даражаси динамикада вақт ўтиб бориши билан чуқурлашиб бориши мумкин, энгил даражада когнитив бузилиш кузатилган беморларга ўз вақтида даво муолажаларини олиб борилса бартараф этилиши мумкин. Динамикада когнитив бузилишлар дефицити юқори бўлган беморларда невровизуалогик тадқиқот усуллари ўтказилган, МРТ маълумотлари бўйича қоринчавларнинг кенгаймаганлиги ва қоринчалар атрофида ўчоқлар умуман икузатилмаганлиги маълум бўлди. БМЧ ўтказган беморларда динамикада когнитив бузилишларнинг даражаси бош мия МРТ, КТ ва МСКТ текширув натижалари билан тўғри корреляцион боғлиқликка эга эмас экан. Шу нуқтаи назардан ушбу беморларда когнитив бузилишларни динамикада невровизуалогик усуллар билан солиштирмасдан ўз вақтида баҳоланиши ва коррекция қилиниши кутилган натижаларга олиб келиши мумкин.

БМЛЕ ўтказган беморларда (26 нафар) ўткир даврда 23,1% беморларда энгил даражада, 57,6% беморларда ўрта даражадаги когнитив бузилишлар ва 19,3% беморларда эса турди даражадаги деменцияга хос бўлган когнитив бузилишлар намоён бўлди. Беморларда эрта ва кечки тикланиш даврда нейропсихологик шкаллари орқали қайта баҳоланганда когнитив бузилишларнинг дефицити кечки тикланиш даврига нисбатан эрта тикланиш

даврда кўпроқ намоён бўлди. ТЭ (29 нафар) беморларда динамикада когнитив бузилишлар ҳолати шуни кўсатадики, барча даврда оғир когнитив бузилишлар кузатилиши мумкин, аммо ўткир даврга нисбатан эрта тикланиш даврда, эрта тикланиш даврга нисбатан эса кечки тикланиш даврда деменцияга хос бўлган когнитив бузилишлар кучайиб борди, деменцияга хос бўлган когнитив дефицит мос равишда, 55,1% - 65,6% - 75,8%,ни ташкил этди. ($p < 0,05$). Ушбу ўзгаришлар МСКТ, КТ ВА МРТ текширув натижалари билан солиштирилганда, натижалар корреляцион боғлиқликка эга бўлди. Биринчидан қоринчаларнинг кенгайганлиги, қолаверса қоринчалар атрофида органик ўзгаришлар кузатилиши, шунингдек бош мия пўстолиғида атрофия жараёнининг кучайиб бораётганлиги натижаларни исботини кўрсатди.

Биз юқоридаги маълумотларни ойдинлаштириш мақсадида ЕБМЖ ўтказган беморларда ўрта даражадаги когнитив бузилишларни динамикада солиштириб кўрдик. Умумий гуруҳда ЕБМЖ ўтказган беморларда динамикада когнитив бузилишлар даражаси чуқурлашиб бориши БМЛЕ ва ТЭ бўлган беморлар ҳисобига кузатилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки ЕБМЖ ўтказган беморларни барчасида когнитив бузилишларни динамикада баҳолаб бориш лозим, шунингдек уларни нейровизуалогик тадқиқот натижалари билан дифференциал ёндашган ҳолда бартараф этилса кўзланган мақсадга тезроқ етишиш мумкин экан (1-расм).



1-расм. ЕБМЖ ўтказган беморларда ўрта даражадаги когнитив бузилишлар динамикаси

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз беморларнинг шахсий эмоционал ҳолатига баҳо бериш учун хавотирлик ва депрессия даражалари текшириб чиқдик. Умумий ЕБМЖ ўтказган 73 нафар (87,9%) беморда хавотирлик кузатилди, Спилберг-Ханин шкаласи бўйича ўртача $44 \pm 9,7$ баллни ташкил этди. Ушбу ҳолат ўрта даражадаги хавотирликка тўғри келдаи (31-45 балл). Барча беморларда реактив хавотирликка нисбатан шахсий хавотирлик устун турди, мос равишда 65,4% ва 34,6%. БМЧ ўтказган беморларда асосан енгил ва ўрта даражадаги хавотирлик узатилган бўлса, БМЛЕ ва ТЭ бор беморларда нисбатан барча турдаги хавотирлик даражалари намоён бўлди. ЕБМЖ ўтказган беморларда касаллик вақти бўйича хавотирлик даражалари солиштирилганда эрта ва кечки тикланиш даврда кескин фарқ кузатилди,

($p < 0,05$). Депрессив бузилишлар солиштириб чиқилганда ЕБМЖ ўтказган 56 нафар беморда (67,4%) у ёки бу даражадаги депрессия ҳолатлари кузатилди, Цунг шкаласи бўйича ўртача $58,7 \pm 9,7$ балл. Оғир турдаги депрессия умуман кузатилмади. (70 ва ундан юқори), асосан енгил (50-59) ва ўрта даражадаги депрессия (60-69) кузатилди. Депрессия асосан БМЛЕ ўтказган беморларда кучли намоён бўлди. Ушбу беморларда касалликнинг жароҳат олган вақти бўйича солиштирилганда эса, эрат ва кечки тикланиш даврда ҳар иккала гуруҳ гуруҳдаги беморларда корреляцион солиштирилганда кескин фарқ кузатилмади, ($p > 0,05$).

Биз нейропсихологик шкалалар ёрдамида когнитив бузилишлар даражасини динамикада шахсий-эмоционал бузилишлар даражалари билан солиштирма анализ қилиб бордик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, хавотирлик ва депрессия даражалари когнитив бузилишларни чуқурлашиб боришига олиб келиши мумкин, аммо ЕБМЖ ўтказган беморларда когнитив дефицит депрессия даражалари билан тўғри куорреляцион боғлиқликка эга, хавотирлик даражалари когнитив бузилишлар даражалари билан корреляцион боғлиқликка эга эмаслиги кузатилди. Динамикада депрессия даражаси юқори бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг дефицити ҳам юқори бўлади.

Шундай қилиб, ЕБМЖ ўтказган беморларда нейропсихологик бузилишлар, жумладан когнитив ва шахсий-эмоционал бузилишларнинг даражасини динамикада баҳоланиши муҳим аҳамият касб этади. Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда конитив бузилишларнинг даражаси касаллик даврига қараб ўзгариб боради, касалликнинг ўткир даврларига қарагандада эрта ва кечки тикланиш даврларда когнитив дефицит юқори бўлади. Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда когнитив бузилишларнинг даражасини динамикада ўзгариши фақатгина касалликнинг даврига боғлиқ эмас экан, шунингдек бош мия жароҳатининг турига қараб туриб ҳар бир даврда турлича намоён бўлиши мумкин. Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда когнитив бузилишларнинг даражаси шахсий-эмоционал бузилишларга боғлиқ равишда ўзгариб боради, когнитив дефект депрессия даражалари билан тўғри коррелцияон боғлиқликка эга, хавотирлик даражалари конитив бузилишларнинг чуқурашувига олиб келмайди. Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда динамикада нейропсихологик бузилишларнинг даражаси ҳар доим ҳам нейровизуалогик текшиув натижалари билан мос келавермайди, бу албатта бош мия жароҳатининг клиник кўринишга шунингдек текширилаётган ҳар бир даврга узвий боғлиқдир.

Диссертациянинг “**Енгил бош мия жароҳати ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширув натижалари билан солиштирма таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобида ЕБМЖ ўтказган беморлардаги клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни динамикада нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширув натижалари билан солиштирма таҳлили натижалари келтирилди.

ЕБМЖ ўтказган беморларда динамикада клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларни солиштирма таҳлил қилиб борилиши янги симптомлар пайдо бўлишини олдини олиш билан бирга беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишлар динамикада фақат ўзаро мусбат корреляцион боғлиқ бўлмасдан бир қатор бош миёда ўзгаришлар кузатиладики, бу қўшимча невровизуалогик текширувлар ўтказишни тақазо қилади. Шунинг учун тадқиқотнинг кейинги босқичида енгил бош миё жароҳати ўтказган беморларда невровизуалогик текширувларни динамикада баҳолашни, шунингдек клиник-неврологик, нейропсихологик ва невровизуалогик текширувлар ўртасида корреляцион анализ ўтказишни лозим топдик.

Бош миё жароҳатлари клиник кўриниши ва жароҳатнинг туридан қатъи назар калла ичи босимининг ошиши билан намоён бўлади. Бош миё гипертензиясининг яққол намоёндаларидан бири бу ринчаларнинг, жумладан III қоринчанинг кенгайиши ҳисобланади. Ушбу ҳолатга баҳо беришда нейрофизиологик ЭхоЭГ текшируви катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, биз ЕБМЖ ўтказган беморларда ЭхоЭГ натижаларини солиштирма таҳлил қилиб чиқдик. Текширувдан ўтказилаётган 173 та беморда ўтказилган эхоэнцефалография натижалари динамикаси ўрганилди. Таҳлил натижалалари шуни кўрсатадики 136 та беморда ЭхоЭГ текширувлари ўтказилган. Клиник-неврологик бузилишларга баҳо берилган 83 та беморда ЭхоЭГ натижалари қиёсий солиштирилди. ЕБМЖ олган беморларда жароҳат олган пайтда асосан умумий миё симптомлари бош оғриши, бош айланиши кўнгил айнаш, қусиш, апатия, ҳолизлик ва юришга қийналишлар барча беморларда кузатилсада, намоён бўлиш даражаси жароҳатнинг турига узвий боғлиқ бўлиб, умумий миё симптомлари асосан бош миё чайқалиши ўтказган беморларда яққол устунлик қилган (БМЧ-87,5%, ЕБМЛЕ-76,4%, ТЭ-69,6%) бош миё гипертензиясининг ошиши касалликнинг ўткир даврида кучли корреляцион боғлиқка эга бўлди, $r=0,982$. Эрта ва кечки тикланиш даврларида корреляцион боғлиқлик жуда кучсиз намоён бўлди, $r=0,023$.

Кейинги босқичда биз цереброастеник синдром белгиларини бош гипертензияси билан боғлиқлини органиб чиқдик. Беморларда калла ичи гипертензиясининг ошиши, яъни III қоринчанинг кенгайиши ≥ 6 мм бўлиши ЕБМЛЕ ўтказган беморларда яққол намоён бўлди. Беморлар динамикада баҳоланганда ўткир даврда цереброастеник симптомларининг кучайиши III қоринчанинг кенгайиши ≥ 6 билан ошиб борди, яъни тўғри корреляцион боғлиқка эга бўлди, r (Пирсон) $0,867$, эрта тикланиш даврида умумий миё симптомлари III қоринчанинг кенгайиши ≥ 6 билан корреляцион боғлиқка эга бўлмади, $r=0,060$ ва кечки тикланиш даврда эса кучсиз корреляцион боғлиқка эга бўлди, $r=0,443$. Кейинги босқичда вестибуляр атаксия симптомларини нейрофизиологик ЭхоЭГ натижаси билан таҳлил қилиб чиқдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, касалликнинг ўткир даврида III қоринчанинг кенгайиши вестибуляр атаксия симптомлари билан


корреляцион боғлиқликка эга бўлмади, эрта ва кечки тикланиш даврларда эса III қоринчанинг кенгайиши вестибуляр атаксиянинг кучайиши билан кучли корреляцион боғлиқликка эга бўлди, $r=0,980$. Қоринчаларнинг кенгаши ҳар доим ҳам вестуляр атаксия симптомларининг кучайиши билан намоён бўлавермайди, албатта бу бош мия жароҳатидан кейинги даврга узвий боғлиқ экан.

